

БИРИНЧИ ДИЗАЙН МАКТАБЛАРИ

Маъруза материаллари “Дизайн” кафедраси катта ўқитувчиси

О.Қ.Фаттохов

- 1. “Баухауз” мактаби ва “Баухауз” услуби,**
- 2. Россияда “ишлаб чиқариш санъати” назарияси ва амалиёт**
- 3. ВХУТЕМАСнинг ВХУТЕИНга айланиши**

1919 йили Германиянинг унча катта бўлмаган Веймар шаҳрида “Баухауз” (“Қурилиш уйи”)га асос солинди. Бу маскан мамлакатда ташкил этилган илк дизайнерлик ўқув муассасаси ҳисобланиб, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарига рассом кадрлар



“Баухаус”.

тайёрлашга мўлжалланган. Мактаб, унинг ташкилотчилари таъбири билан айтганда, ҳар томонлама мукамал, ҳам бадий, ҳам маънавий жиҳатдан йетук мутахассислар тайёрлаган.

Маълумки, авваллари мактабларнинг бадий-ижодий имкониятлари чекланган эди. Муассаса бошлиғи сифатида унинг асосчиси, истеъдодли немис архитектори Вальтер Гропиус ва Питер Беренснинг саъй-ҳаракатлари билан мактаб қисқа фурсат ичида дизайн соҳасидаги методик марказга айланиб улгурди. Мактабда XX аср бошларида яшаб ижод этган етук профессорлар, маданият ходимлари, меъмор ва рассомлар фаолият кўрсатишди. Жумладан, тажрибали меъморлардан Мис ван дер Роэ, Ханс Майер, Марсель Брейер, рассомлардан Василий Кандинский, Паул Клее, Лионел Фенингер, Пит Мондриан ана шу муассасанинг етакчи мутахассислари эдилар.

Масканда фаолиятнинг дастлабки йилларида амалга ошириб бўлмайдиган ғоялар ҳукм сурган. Меъморчиликка эса ижтимоий эҳтиёжнинг бир тури сифатида қаралди. Йиллар ўтиб, саноатнинг турли соҳалари, ҳунармандчилик ва техника бир-бири билан боғлиқ деган ҳулосага келинди. Биринчи курс талабалари махсус мутахассисликлар доирасида (керамика, мебель, текстиль, графика ва бошқалар) машғулот ўтай бошлашди. Таълим техник ва бадиий жиҳатдан кадрлар тайёрлашга асосланди.

“Баухауз” фаолиятида 20-йиллар кубизм йўналишида ижод қилувчи мўйқалам усталари, ҳайкалтарошларни ҳам кўриш мумкин. Лекин бу тур ижод билан шуғулланиш белгиланган тартиб ва геометрик шаклларнинг бузилишига олиб келди. Темир ва ёғочдан ишланган геометрик намуналар кубизмга хос қалин чизикли ва доғли эди. Масалан, чойнак андозалари ярим конус, ярим айлана, ярим доира ва цилиндр шаклида ясалган.

РОССИЯДА “ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНЪАТИ” НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Ғарбий Европа мамлакатларида дизайннинг пайдо бўлиши саноат корхоналари томонидан ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш борасидаги ишланишларга бориб тақалса, Россияда инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам, ишлаб чиқарувчилар бунга ҳали аҳамият бермаган эди. Дизайннинг бошланиш ирмоқларини бошқа томондан, балки бадий оқимлардан излашга тўғри келади. XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида тасвирий санъатда авангард оқимлари мақсадсизлик томон, яъни абстракционизм томон кетарди. Россияда абстракционизм асосий икки кўринишда – конструктив (К. Малевич) ва экспрессионистик (В. Кандинский)да номоён бўлган эди.

Ўзининг абстракт композицияларини аниқлаш ниятида К.Малевич “супрематизм” атамасини қўллаган эди (лотинча “супрем” – “ҳукмрон”). 1915 йили “0.10” кўргазмасида “Қора квадрат”, унинг ёнида эса бир нечта суперматик суратлар пайдо бўлди. Бу мақсадсизлик сари отилиб чиқиш эди. Янги йўналиш тасвирлашни бутунлай инкор этар, картинада бир неча оддий шакл акс этган бўлиб, улар рамзий маъноларга эга эди. Суперматизм мўйқалам асарларидан предметлар оламига текис сиртдан ҳажмли нарсага айланиб эмас, балки картина рамкасини парчалаб, тасаввурдаги ҳудудда пайдо бўлади, у ҳар қандай маконда, ҳар қандай нарса бўлиши ҳам мумкин. Малевич ўзининг олами супрематик ўзгартириш ҳақидаги ғоясини архитектура ва предметлар оламига ҳам татбиқ этди.

Тарихий жиҳатдан шундай бўлдики, супрематизм лойиҳа композицион стилистикасига кўра, дастлаб нақш – орнаментларда, уй деворларидаги



К.Малевич “Супрематизм”

безакларда, плакатларда, матоларда, идишларда ва кундалик турмуш буюмлари-ю трамвай ва бошқаларда пайдо бўлди.

Авангардлик санъатининг энг қудратли оқимларидан саналган конструктивизм асосчиларидан бири – В. Татлин эди. Дастлаб у конструктивизмни санъатнинг янги тури “хайкалрангтасвир“ деб баҳолади. У тасвирни рад этди. Унинг фикрича, бадиий асар ҳеч нарсани акс эттирмаслиги лозим. 1913 йилдан сўнг, Татлин рассомлик билан шуғулланмай қўйди. 1914 йили Париждан қайтгандан сўнг, у контррельеф – конструкторлик композицияси билан шуғулланди. Ижодкор изланишларининг таянч нуқтаси Пикассо яратган композициялар эди.

Татлиннинг тасвирий рельефи “Бутилка” - шиша идишни акс эттирмас эди. У турли материаллар (металл, ёғоч, обои (гулқоғоз)лар) йиғиндисидан иборат эди. Композициянинг бир қисмида шиша идиш, яъни бутилканинг контррельефи, яъни тенг ярмидан кесилган силуэти акс этиб турарди. Ушбу силуэт бу ерда бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу ердаги асосий масала материалларни йиғиш комбинацияси ҳисобланади. Уларнинг ўзига хос томонларини аниқлаш орқали рассом амалга оширишни мақсад қилиб қўйган ва кам сарфли конструкцияда қўллаш имкониятларини аниқлашдан иборат. Фактура ва ранг ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асарларида танланганлик ва бир бутунлик кўриниб туради. Бу муҳандисларга хос ижодий хусусият саналади. 1920 йилларда ижодкор ўзининг машҳур учиш аппарати, яъни моторсиз уча оладиган аппарати билан бекорга шуғулланган эмас. Татлиннинг ғояларини Родченко, Степанова, ака-ука Стенберг ва бошқалар давом эттиришиб, совет дизайни сарчашмаларига айланган эдилар.



В.Татлин. III-интернационалга бағишланган ёдгорлик

ВХУТЕМАС, ВХУТЕИН ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

1920 йил 25 декабрда Москва давлат олий бадиий-техник устахоналари (ВХУТЕМАС) ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад олий ўқув муассасаларида саноатга квалификацияли олий рассом-усталарни тайёрлашдан иборат эди. Муассаса Строганов номидаги билим юрти ва рассомлар етишиб чиқадиган ўқув юртлирининг қўшилиши натижасида вужудга келди. Ўтган асрнинг 19-йилига келиб, олий бадиий-техник устахоналари институтга айлантирилди (ВХУТЕИН) ва 1930 йилгача фаолият кўрсатди. Янги ўқув муассасасида бадиий ижод кенг қулоч ёйиб, санъат соҳасида бадиий қимматбаҳо буюмлар – маиший техника ихтиролари бўйича самарали ишлар олиб борилди. Таълим дастури қисқа фурсатда яратилди. Бир йиллик ўқув методикаси ишлаб чиқилди, лекин бу билан қутилган натижага эршилмади, сабаби, бадиий ижод ва техника доирасида янгидан-янги соҳаларнинг пайдо бўлиши бу икки тармоқнинг алоҳида-алоҳида ривожланишига сабаб бўлди.

Муассаса фаолиятининг дастлабки икки йилида талабалар умумий рассомлик таълимини ўзлаштирдилар ва бунга асосий бўлим сифатида қаралди. Мазкур таълимда янги қийматга эга методик ишланмалар яратилди. Бу йўналишда тайёрланган курс “Баухауз” битирувчилари сингари замонавий дизайнерлик мактабининг барча тармоқларини ўрганган эди.

ВХУТЕМАС маъмурияти жамият учун ҳар томонлама етук рассом-ишлаб чиқарувчилар тайёрлаш масаласини чуқур ва атрофлича ўрганди. Муассасанинг металл ва ёғочни қайта ишлаш факультетлари бўлажак дизайнер йўлини белгилаб берди. Бу борада Металлни қайта ишлаш факультети раҳбари А.Родченко қуйидагича ёзади: “Мен бизнинг саноатимизга металлнинг - автомобиль ва аэропланнинг ташқи кўринишидан тортиб икчи қурилмаларигача бадиий-техник жиҳатдан қайта ишлашда ўзининг ижодий салоҳияти ва техник билимлари билан ёндаша оладиган конструкторлар тайёрлашни ўз олдимга мақсад қилдим”. Бу эса биринчи совет дизайнерларининг вужудга келишига туртки бўлди.